

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

БАБОЕВ АБДУВАХОБ САХИБНАЗАРОВИЧ

**СИЛ СПОНДИЛИТИ БИЛАН ОГРИГАН БЕМОРЛАРДА СУЯК
АЛМАШИНУВИНИНГ БУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯ
ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD)

Бабоев Абдувахоб Сахибназарович

Сил спондилити билан оғриган беморларда

суяк алмашинувининг бузилиши ва

уларни коррекция қилиш йўллари.....3

Бабоев Абдувахоб Сахибназарович

Нарушения костного метаболизма

у больных туберкулёзным спондилитом

и пути их коррекции.....23

Baboev Abduvakhob Sakhibnazarovich

Bone metabolic disorders

in patients with tuberculous spondylitis

and ways of their correction.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

БАБОЕВ АБДУВАХОБ САХИБНАЗАРОВИЧ

**СИЛ СПОНДИЛИТИ БИЛАН ОГРИГАН БЕМОРЛАРДА СУЯК
АЛМАШИНУВИНИНГ БУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯ
ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1573 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (қисқа хулоса)) тайёрланди ва (www.tma.uz) веб-саҳифасида ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида жойлаштирилади.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Назиров Примкул Хужамович тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Мухтаров Давронбек Зухурович тиббиёт фанлари доктори Рустамова Умида Мухтаровна тиббиёт фанлари доктори |
| Етақчи ташкилот: | Бухоро давлат тиббиёт институти |

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил ___ соат ___ даги мажлисида бўлиб утади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биносининг мажлислар зали. Тел/факс: +99878-150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: +99878-150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр боённомаси.

Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б. М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сил касаллиги бутун дунёда глобал муаммо бўлиб, сил спондилити, суяк - бўғимлар сили касаллиги таркибида етакчи ўрин эгалаб, 70% ҳолатларда асоратлар билан кечади. Касаллик кеч ташҳисланиши туфайли «...сил спондилитида умуртқалар атрофида катта хажмдаги абсцесслар ривожланиши, умуртқа погоналари патологик синишлари - деформацияси, орқа мия сиқилишидан фалажлик, яъни чуқур неврологик синдромларнинг пайдо бўлиши кузатилади...»¹. Муаллифларнинг фикрича сил оститини кечишининг биринчи босқичи фокал-чегараланган остеопороз босқичи бўлиб, ушбу жараён қандай қилиб сил ялигланиши билан боғлиқлиги узоқ вақт ноаниқ бўлиб келди. Шундай қилиб, сил спондилит билан оғриган беморларда остеопения жараёнини ривожланишининг патологик механизмларини аниқлаб, баҳолаб, комплекс патогенетик даволаш дастурини ишлаб чиқиб, даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш бугунги кун тиббиётида долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳон тиббиётида асоратланган сил спондилитини лаборатор ташҳислашни ва этиопатогенетик даволаш муолажаларини такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, сил спондилитида специфик жараённинг ривожланиш босқичларига ва фаоллигига қараб суяк метаболизмининг хусусиятларини аниқлаш, суяк-бугим тизимининг сил касаллигида остеопоротик жараёнлари ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлаш, сил спондилитида умуртқа погонасида ўтказиладиган радикал-тикловчи жарроҳлик амалиётларидан сўнг суякларни битиб-тикланиб кетишига силга қарши антибактериал препаратлар ҳамкорлигида остеотроп дори воситаларининг таъсирини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда сил спондилити билан оғриган беморларни эрта ташҳислаш, сил спондилитида асоратларни камайтириш ва ногиронлик кўрсаткичини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соглиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда сил спондилити билан оғриган беморларда суяк аламашинувининг бузилиши ва уларни коррекция қилиш йўллари қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

¹ Bingjin Wang, Wenbin Hua, Wencan Ke, Yukun Zhang, Xianlin Zengand, Cao Yang The efficacy of allograft bone using titanium mesh in the posterior-only surgical treatment of thoracic and thoracolumbar spinal tuberculosis // BMC Surgery. -2020.- Jun 12. - 20(1):133.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соглиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»³ фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йилдаги 21 декабрдаги ПҚ -4191-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган фтизиатрик ва пульмонологик ёрдамни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш, рентген томографик, лаборатор ва жарроҳлик усулларини яхшилаш ҳамда жорий этиш йўли билан силли спондалитни ташхислаш ва даволашга қаратилган илмий тадқиқот ишларига кўп сонли тадқиқотлар бағишланган (Голка Г.Г. ва бошқалар 2019; Eun Jung Shim et al., 2020; Yangwon Lee et al., 2018; Chung-Jong Kim et al., 2016; Tao li et al., 2016; Eun-Jeong Joo et al., 2016; Chang-Hua Chen et al., 2016) ва адабиётларда илмий мақолалар кўринишида акс эттирилган. Кўп сонли илмий ишлар бирламчи остеопорозни тарқалишини ўрганишга, шунингдек сурункали яллигланиш жараёнларидаги иккиламчи остеопорозга (Косарева О.В. ва бошқалар, 2003; Юренева С.В. ва бошқалар, 2010; Таскина Е.А. ва бошқалар, 2014; Царенок С.Ю ва бошқалар, 2017), остеопорозни ташхислаш усулларига (Siris E.S. et al, 2014; Kanis J.A. et al., 2018) ва уни даволашга (Qaseem A. et al., 2017; Khosla S., 2017), остеомиелит ва суяк бўғим силида рентгенологик белгилар сифатида остеопорозни қиёсий ташхислашга бағишланган (Жарков П.Л., 2013). Онкологик касалликларда қондаги суяк тўқимаси метаболизми маркерларини ўрганиш бўйича тадқиқот ўтказилиб, суяк туқимасидаги маҳаллий ўзгаришларнинг қондаги ушбу маркерларнинг титрларига таъсири аниқланди (Lüftner D., 2005). Остеокластларга яллигланиш цитокинларининг стимулловчи таъсирини тасдиқловчи илмий тадқиқотлар мавжуд бўлиб, бу суяк резорбциясини кучайиши ҳамда остеопорозни оқибати сифатида сабаб бўлиши мумкин (Denise Rotta et al., 2020; Shinwan Kany et al., 2019). Ўтказилган илмий ишларда остеопорозни диагностикасининг мезонлари кўрсатилди, суяк туқимасининг минерал зичлигини кузатиш тамойиллари аниқланди, аутоиммун касалликларда остеопороз ривожланиши исботланди, сил спондилити касаллигининг МРТ асосида аниқлаш мезонлари кўрсатилди, сил спондилитини ташхислашда минимал инвазив жарроҳлик амалиёти имкониятлари ва сил спондилитини ташхислашда ўпка патологиясини ахамияти баҳоланди. Сил спондилитида суяк

тўқимаси метаболизмни ўзгаришини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар, мазкур бузилишларни тўғрилаш усуллари, шунингдек сил спондилитида радикал-тикловчи жарроҳлик аралашувларига суяк тўқимасидаги метаболик бузилишларни коррекциялаш таъсири тўғрисидаги маълумотларни бизлар илмий адабиётлардан топмадик.

Мамлакатимизда суякнинг сил касалликларини ташхислаш ва самарали даволаш тизимини ташкиллаштириш ва таянч ҳаракат тизими касалликларини олдини олиш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилган, сил жараёнини жойлашиши билан неврологик асоратларнинг алоқаси, шунингдек сил спондилити билан оғриган беморларни даволашни турли босқичларида КТ ва МРТнинг маълумотлилиги, махсус жараённинг фазаси ва фаоллиги билан рентген-томографик кўриниш ўртасидаги алоқа исботланди, сил спондилитида жарроҳлик аралашувларини башоратлаш ва топик ташхислаш учун ЭНМГни ташхислашдаги ўрни ўрнатилди, антибактериал даволашнинг оптимал муддатлари аниқланди ва сил спондилитида жарроҳлик аралашувларининг усуллари яхшиланди (Усмонов М.Х., 2019; Алиқулов Э.Ж, 2008; Уразбаев А.А., 2010; Фахртдинова А.Р, 2012), мамлакатимизнинг турли туманларидаги умуртқа погонасининг остеопоротик синишларининг тарқалиши баҳоланган, остеопоротик синишларни ёш ва гендерлик бўйича ўзига хосликлари аниқланган (Р.С.Мусаев, 2013), бироқ, сил спондилити билан оғриган беморларда суяк аламашинувининг бузилиши ва уларни коррекция қилиш йўллари такомиллаштирилмаган.

Юқорида қайт қилинганларга асосланган ҳолда бугунги кунда суяк-бугим тизими сили, айниқса сил спондилити билан хасталанган беморлар сонининг ортишини инобатга олган ҳолда суяк алмашинувининг бузилиши ва уларни коррекция қилиш йўллари ишлаб чиқиш бугунги кунда илмий ва амалий фтизиатриянинг долзаб муаммоларидан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № АТСС-19.1 «Ўпкадан ташқарида сил касаллиги дифференциал терапиясининг янги ташхислаш усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги грант лойихаси доирасида бажарилган (2015-2017 йй).

Тадқиқотнинг мақсади сил спондилити билан оғриган беморларда суяк алмашинувининг бузилиши ва уларни коррекция қилиш йўллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суяк-бугим тизимининг сил касаллигида остеопоротик бузилишлар ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш;

сил спондилити жараёнининг клиник босқичига қараб суяк тўқима алмашинуви параметрларининг хусусиятларини аниқлаш;

силга қарши антибактериал препаратлар ҳамкорлигида остеотроп дориларнинг умуртқа погонасини радикал-тикловчи операцияларидан сўнг суяк

блоки хосил бўлишига таъсирини баҳолаш;

сил спондилити билан оғриган беморларда суяк туқимаси алмашинувининг чуқур бузилишларида даволаш стратегиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти 2015-2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган фтизитария ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази шифохонасида тиббий кўриқдан ўтказилган ва сил спондилити билан даволанган 31 нафар беморлар, шунингдек, 23 нафар носпецифик спондилит ва 24 нафар дегенератив спондилопатия билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сил спондилитида специфик яллигланишнинг суяк туқимасининг метаболик кўрсаткичларига таъсири, сил спондилити билан хасталанган беморларда суяк зичлигининг пасайиши, остеотроп даволашнинг турли босқичларида суяк туқимасини қайта тиклаш маркерларининг ўзгариши ва сил жараёнининг беморларда остеотроп даволаш самарадорлиги материалларидан ташкил топган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш учун клиник, рентгенологик ва томографик, инструментал, биокимёвий текшириш усулларида ҳамда олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

асоратланган сил спондилити билан оғриган беморларда остеопоротик жараёнлар ривожланишининг механизмлари исботланган;

сил спондилитида суяк метаболизимини бузилишлари лаборатория ва инструментал усуллар билан комплекс баҳолаш асосида сил спондилитини дифференциал ташхислаш усуллари асосланган;

умуртқа сил касаллигида юз берадиган остеопорознинг олдини олиш чоралари ва дифференциал терапияси асосланган;

асоратланган суяк силида остеотроп даволаш натижаларини таҳлил қилиш асосида суяк туқимасининг остеопоротик жараёнларини комплекс патогенетик терапияси ва сил спондилитида жарроҳлик йўли билан даволашнинг клиник кечишини ва самарадорлигини башорат қилиш тизими асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

асоратланган сил спондилити билан касалланган беморлар суяк туқимасида остеопения ривожланишининг патогенетик механизмлари аниқланган ва мос патогенетик муолажалар ишлаб чиқилган;

умуртқа погонаси фаол сил касаллиги билан касалланган беморларда остеопоротик ҳолатлар қайд этилганда, антибактериал дорилар иштироқида бифосфонатлар, калций ва витамин Д препаратларидан фойдаланган ҳолда патогенетик терапияни ўтказиш, зарарланган соҳадаги клиник репаратив жараёнларни яхшиланиши ва остеопеник жараёнларнинг регрессиясига олиб келганлиги аниқланган;

сил спондилитини самарали антибактериал, патогенетик даволаш натижасида суякларда патологик синишлар пайдо бўлишининг олди олинганлиги аниқланган;

комплекс антибактериал, патогенетик ва жарроҳлик йўли билан даволаш самарадорлиги ошиши натижасида сил жараёнининг қайталанишини олди

олинганлиги аниқланган;

умуртка сил касаллигининг фаол шакллари ўз вақтида ташхислаш ва етарли даражада комплекс терапия қилиш республикадаги сил касаллигининг эпидемиологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиши ва ногиронлик кўрсаткичини камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, биокимёвий, статистик тадқиқот усулларида, ҳамда олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асоратланган сил спондилити билан хасталанган беморларда сурункали яллигланиш ва тарқалган йирингли жараён туфайли суяк тўқимасида юзага келган резорбция янги суяк тўқимасининг тикланишига нисбатан 2-3 баробар тез кечиши, вақт ўтиши билан остеопорозга олиб келиши, сил спондилити суякнинг деструкция - емирилиш жараёни билан бирга кечиши ва янги суяк тўқиманинг пайдо бўлиш кўрсаткичи бўлган P1NP маркерининг суяк деструкцияси жараёнида ошиши ва унга юқори диагностик сезгирлиги ҳамда сил спондилитида суяк туқимаси резорбцияси бифосфонатлар билан терапевтик усулда қайта тикланиши мумкин бўлишининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сил спондилити билан оғриган беморларни комплекс антибактериал препаратлар ҳамкорлигида золедрон кислота 5 мг йилда 1 марта, ибандрон кислота 40 мг ҳар ойда ёки алендрон кислота 70 мг ҳар ҳафта, кўшимча калций ва витамин Д3 препаратларини қабул қилишлари суяк тўқимасининг тикланиш интенсивлиги сақланган ҳолатда, суяк туқимасида резорбция жараёни интенсивлигини икки мартадан ортиқ камайтиришга имкон беради ва фаол сил яллигланишининг бутун даврида суякларда патологик синишларни олдини олиб, остеопороз билан боғлиқ оғриқни камайтиради, некротик туқималарни жаррохлик усулида олиш ва умуртқани титан пиромеш имплантацияси амалиётдан кейин суяк блоки ҳосил бўлишини тезлаштиришга олиб келади, сил спондилити билан касалланган беморларда даволаш самарадорлигини оширилиши бемор ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни олдини олиш тизими яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сил спондилити билан оғриган беморларда суяк туқималари тикланиш жараёнларининг бузилиши ва уларни коррекция қилиш йўллари баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умуртка патологияси генезининг ташхисида суяк тўқимасини ремоделлашда маркерларининг аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида «Умуртка патологияси генезининг ташхисида суяк тўқимасини ремоделлашда маркерларининг аҳамияти» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 25 январдаги 8н-д/38-

сон маълумотномаси). Натижада умуртқа патологияси генезининг ташхислашда суяк тўқимани қайта тикланиши β -CrossLaps ва P1NP маркерларининг аҳамияти ва касалликни самарали даволашнинг тартибини шакллантириш имконини берган;

сил спондилити билан оғриган беморларда суяк тўқимаси аламашинувининг бузилиши ва уларни коррекция қилиш йўлларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари филиаллари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 31 июлдаги 08-09/9348-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сил спондилити билан хасталанган катта ёшдаги беморларда суяк резорбцияси интенсивлиги физиологик кўрсаткичларга нисбатан 3 бараварга, ёш беморларда 1,5 бараварга ошганлиги, суяк тўқимаси зичлиги пасайишининг асосий сабаби специфик ва носпецифик яллигланишга боғлиқлигини инобатга олган ҳолда касаллик асоратларини олдини олиш ва беморларнинг умрини узайиши ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриятига асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сил спондилити билан хасталанган беморларда ташхислаш ва даволаш долзарб муаммоларининг замонавий талқини» деб номланган биринчи бобида сил спондилити билан хасталанган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш масаласига оид илмий маълумотларни чуқур

тахлил қилиш, умумлаштириш ва тизимлаштиришни ўз ичига олади. Ушбу масала бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар, келгусида ечимини талаб қиладиган долзарб масалалар ва сил спондилитининг диагностикаси ва даволашнинг ҳозирги ҳолати ўрганилди. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланди.

Диссертациянинг «Сил спондилити билан оғриган беморларда суяк аламашинувининг бузилишини баҳолаш материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобда клиник материалнинг умумий тавсифи ва амалий тадқиқот усуллари келтирилган. Илмий изланиш 78 та умуртқа патологияси бўлган, шулардан 31 нафари (39,7%)– сил спондилити (СС) билан, 23 (29,5%) – носпецифик спондилити (НС) билан, 24 (30,8%) дегенератив спондилопатия (ДС) билан оғриган беморларнинг текширув маълумотларига асосланган. СС билан касалланган 31 нафар беморга остеотроп дори препаратлари ёрдамида комплекс даволаш ўтказилди, шундан 21 нафар беморга, жумладан уларнинг 16 нафарига аутосуяк тўқимасининг имплантацияси (беморнинг ўз суяк тўқимасидан кўчириб ўтказиш) ва 5 нафарига титан пирамеш қўллаш ёрдамида радикал-тикловчи операциялари ўтказилди. Тадқиқот учун танланган барча беморлар 2015–2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва Пульмонология илмий – амалий тиббиёт марказининг клиникасида тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволанди.

Ҳолати ўрганилган беморларнинг ёши 17 дан 81 гачани ташкил этди. Ўртача ёшдагиси 50 ёшда. Шулардан эркаклар сони 46 ($59 \pm 5,6\%$), аёллар сони 32 ($41 \pm 5,6\%$)га эди. Ушбу 78 та кузатилган беморлар орасида эркаклар касаллиги устунлик қилган бўлсаларда, гарчи 50 ёшдан 59 ёшгача ёш гуруҳида аёллар устунлик қилди. Барча 78 (100%)га беморнинг асосий шикоятлари умуртқа поғонасининг хасталанган қисмидаги оғриқдан эди.

Бемор шифохонага қабул қилингандан сўнг ҳар бир беморни тиббий текширувдан ўтказиш режасига умумий кўрик, ортопедик кўрик, неврологик кўриқлар киритилди. Ички органларнинг ишлаши ва ҳамроҳ касалликларни аниқлаш учун барча беморларга умум-клиник лаборатор-инструментал текширувлар ўтказилди.

Қабул қилиш вақтида нур билан текширув жараёни 1(1,1%)га беморда рентгенография, 54(59,3%)га беморда магнит-резонанс томография (МРТ), 8(8,8%)га беморда мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ), 15(16,5%)га беморда МРТ ва МСКТ ёрдамида текширувлари ўтказилди.

Суяк тўқимасининг минерал зичлигини (СТМЗ) баҳолаш учун беморларда рентген абсорбсиометрияси ўтказилди ва асосий эътибор умуртқа поғонаси бел қисми таналарига қаратилди. Текширув LUNARDFX аппарати ёрдамида ўтказилди.


Шартнома асосида Тошкент шаҳридаги М.Фёдорович клиник-санаториясида автоматик электролюминисцент иммуноанализаторида қон зардобиди суяк ҳосил бўлиши маркери P1NP ва суяк резорбцияси маркери - β -CrossLaps (коллаген парчаланишининг маҳсуллари)ни аниқлаш орқали суяк метаболизми ўрганилди.

Балғам, оқма яралар ажралмалари, йирингларнинг пунктати ва жарроҳлик материалларидан бактериологик тадқиқот ўтказилди.

СС ташхиси қўйилганидан кейин 27(87,1±6,0%)га беморга изониазид 75 мг, рифампицин 150мг, пиразинамид 400 мг, этамбутол 275 мг бирлаштирилган дори воситаси беморнинг вазнига кўра (70 кг дан оғир беморларга 5 доридан, 55 кг дан оғир беморларга 4 та доридан ва 40 кг дан оғир беморларга 3 та доридан) қабул қилиниши тавсия қилинди. Сил касаллигидан қайта даво қилинган 3(9,7±5,3%) ҳолатларда кунига 1000 мг стрептомицин юқоридагиларга қўшилган, 1та бемор эса балғам таҳлили бўйича бактериологик лаборатория хулосасига мувофиқ кунлик тартибда 750 мг циклосерин, 750 мг левофлоксацин, 750мг протионамид билан даволаниш схемасини олган. Сил касаллиги инфекцияси патогенези, силга қарши кимёвий терапиянинг ножўя таъсирлари ва қўшимча касалликларнинг юзага чиқиши ҳолатлари инobatга олиниб, беморларда қўшимча даволаш тадбирлари ўтказилди.

Даволаш самараси ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун кўрсатмалар 8 ҳафтада ўрганилди. Жарроҳлик амалиётидан кейинги ётоқ режими- аутосуяк фиксацияси қўлланилган беморларда 8 ҳафтагача ва титан пирамеш ёрдамида фиксация қўлланилган беморларда 4 ҳафтагача давом этди. Радикал-тикловчи жарроҳлик амалиётларининг самараси клиник ва рентген-томографик текширувлар орқали жарроҳлик амалиётидан кейин эрта ва узок муддатларда баҳоланди.


Диссертациянинг «Сил спондилити асоратланган шаклларининг клиник намоён бўлиши» деб номланган учинчи бобида текширув натижасида СС билан касалланган беморлар гуруҳида тана вазнининг етишмаслиги 12,9±6,0% ташкил этган бўлса, бошқа гуруҳларда эса бу кўрсаткич 5% дан ошмади (1- расмга қаранг).



1-расм. Тана вазнининг кўрсаткичлари: А-сил спондилити гуруҳи, Б-носпецифик спондилити гуруҳи, В- дегенератив спондиопатия гуруҳи.

СС билан касалланган беморлар гуруҳида, ортопедик ва неврологик ҳолатларини ўрганиш вақтида 11(35,5±8,6%) нафар беморларда кучли, 18(58,1±8,9%) нафар беморларда ўртача ва фақатгина 2(6,5±4,4%) нафар беморда заиф даражадаги оғриқнинг интенсивлиги эътиборни ўзига тортди. НС билан касалланган беморлар гуруҳида аксарият 18(78,3±8,6%) та беморда оғриқ

интенсивлиги ўртача, 3(13±7,2%)га беморда кучли ва 2(8,7±5,9%)га беморда заиф даражада ўзини намоён қилди. ДС билан касалланган беморлар гуруҳида эса оғриқ асосан - 15(62,5±9,9%) нафар беморда заиф, фақат 9(37,5±9,9%) нафар беморда ўртача даражада кузатилди, кучли даражадаги оғриқ эса қайд этилмади. Умуртқа ностабиллиги НС билан касалланган барча беморларда, СС билан касалланган беморлар 29(93,5±4,4%)нафарида ва ДС билан касалланган беморлар 21(87,5±6,8%) нафарида кузатилган. Оғриқларнинг интенсивлиги ва умуртқа поғонасининг ностабиллиги СС билан касалланган беморлар гуруҳидаги 8(25,8±7,9%) нафар беморда ҳаракатланиш имконсизлигига олиб келган, 19(82,6±7,9%) нафар НС билан касалланган беморларда ҳаракатланиш катта қийинчилик билан кузатилган ва 15(62,5±9,9%) нафар ДС билан касалланган беморларда ҳаракатланиш имконияти сақланиб қолган эди. СС гуруҳининг 15(48,4±9,0%) нафар беморида, НС гуруҳининг 17(73,9±9,1%) нафар беморида ва ДС гуруҳининг 16(66,7±9,6%) нафар беморида асаб илдизлари бўйлаб оғриқнинг тарқалиши кузатилди, бироқ, чуқур парез ва фалажлар фақатгина СС гуруҳидаги 3(9,7±5,3%) нафар беморларда кузатилди.



2-расм. А-Сил спондилит билан касалланган беморлар гуруҳида Нв ва ЭЧТнинг алоқадорлиги Б-Носпецифик спондилит билан касалланган беморлар гуруҳида Нв ва ЭЧТнинг алоқадорлиги, В- Сил спондилити билан касалланган беморлар гуруҳида ЭЧТ ва фибриногеннинг алоқадорлиги. Г- носпецифик спондилит билан касалланган беморлар гуруҳида ЭЧТ ва фиброгеннинг алоқадорлиги

СС ва НС билан касалланган беморларнинг умум-клиник таҳлилларини ўрганиш давомида гемоглобин ва эритроцитлар микдорининг камайиши, ҳамда эритроцитлар чўкиш тезлиги(ЭЧТ) ва фибриноген микдори ошиши (СС – Нв=118±9,04 г/л, эритроцитлар – $3,6±0,31 \cdot 10^{12}$, ЭЧТ – 23,4±16,7 мм/ч,

фибриноген - $5,5 \pm 2,6$ г/л; НС – Нб= $118,3 \pm 15,4$ г/л, эритроцитлар- $3,6 \pm 0,5 \cdot 10^{12}$, ЭЧТ- $23,04 \pm 16,7$ мм/ч, фибриноген - $5,5 \pm 2,7$ г/л) кузатилган. СС билан касалланган беморларда Нб пасайишининг ва ЭЧТ ошишининг ўртасидаги корреляцион алоқа $r = -0,32$ га тенг бўлган, НС беморларда эса $r = -0,82$ га тенг бўлган. СС билан касалланган беморларда фибриноген ва ЭЧТ ошишининг ўртасидаги корреляцион алоқа коэффиценти $r = 0,65$ га тенг бўлган, НС билан касалланган беморларда эса $r = 0,10$ ни ташкил этган. ДС билан касалланган беморлар гуруҳида Нб - $121 \pm 6,5$ г/л, эритроцитлар - $3,7 \pm 0,7 \cdot 10^{12}$ ни ташкил этган, ЭЧТ эса гуруҳ бўйича $15,3 \pm 12,3$ мм/ч ни ташкил этган, бу меъёрнинг юқори чегараси ҳисобланади, фибриноген микдори меъёр ($3,8 \pm 1,3$) доирасида булган (2- расмга қаранг).

Хамроҳ касалликлар сифатида, СС ва НС билан касалланган беморларда қандли диабетнинг 2 тури устунлиги аниқланган. НС билан касалланган беморлар гуруҳида ошқозон ва ичак системасини тез-тез зарарланиши аниқланган.

СС билан касалланган $50 \pm 6,1\%$ беморларда умуртқа погонасининг кўкрак қисми шикастланиши кузатилган, $83,9 \pm 6,6\%$ ҳолатларда умуртқа погоналари орасидаги диск патологик жараёнга ўтган, $22,6 \pm 7,5\%$ ҳолатларда 2 тадан ортиқ умуртқа таналари патологик жараёнга қўшилган, $90,3 \pm 5,3\%$ ҳолатларда умуртқа таналари деструкцияси учраган, $35,5 \pm 8,6\%$ ҳолатларда зарарланган умуртқа таналари коллапси қайд этилган, $58,1 \pm 8,9\%$ ҳолатларда деструкция ўчоги чегарасининг ноаниқлиги кузатилган, $25,8 \pm 7,9\%$ ҳолатларда йиринг 2 дан ортиқ умуртқа таналарига сублигаментоз тарқалиши кузатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Рентген–томографик текширув натижасида аниқланган аломатлар

| Кўрсаткичлар | СС | ТС | ДС |
|---|------------------|-------------------|-------------------|
| Касаллар сони | N=31 | N=23 | N=24 |
| Умуртқа погонаси бўйин соҳаси | $2,9 \pm 2,0\%$ | $12 \pm 4,6\%$ | $3,2 \pm 2,2\%$ |
| Умуртқа погонаси кўкрак соҳаси | $50 \pm 6,1\%$ | $6 \pm 3,4\%$ | $28,6 \pm 5,7\%$ |
| Умуртқа погонаси бел соҳаси | $38,2 \pm 5,9\%$ | $78 \pm 5,9\%$ | $58,7 \pm 6,2\%$ |
| Умуртқа погонаси думгаза соҳаси | $8,8 \pm 3,4\%$ | $4 \pm 2,8\%$ | $9,5 \pm 3,7\%$ |
| 2 дан ортиқ умуртқа таналарининг жароҳатланиши | $22,6 \pm 7,5\%$ | $2,2 \pm 0,5$ | $2,7 \pm 1,7$ |
| Умуртқа погоналараро дискнинг патологик жараёнга ўтиши | $83,9 \pm 6,6\%$ | 100% | $45,8 \pm 10,2\%$ |
| Чегараловчи пластинкаларнинг бузилиши | $87,1 \pm 6,0\%$ | $65,2 \pm 9,9\%$ | $8,3 \pm 5,6\%$ |
| Умуртқа таналарининг деструкцияси | $90,3 \pm 5,3\%$ | $52,2 \pm 10,4\%$ | $4,2 \pm 4,1\%$ |
| Умуртқа коллапси (компрессияси) | $35,5 \pm 8,6\%$ | 0 | $33,3 \pm 9,6\%$ |
| Умуртқа погоналари оёқчаларининг зарарланиши | $9,7 \pm 5,3\%$ | 0 | 0 |
| Касаллик ўчогининг ноаниқ чегараси | $58,1 \pm 8,9\%$ | $13 \pm 7,0\%$ | 0 |
| Касаллик ўчогининг аниқ чегараси | $25,8 \pm 7,9\%$ | $52,2 \pm 10,4\%$ | 0 |
| Касаллик ўчоги чегарасининг склерози | $3,2 \pm 3,2\%$ | $26,1 \pm 9,2\%$ | 0 |
| Паравертебрал йиринг тулланиши | $74,2 \pm 7,9\%$ | $60,9 \pm 10,2\%$ | 0 |
| 2дан ортиқ умуртқа таналарига йиринглашнинг сублигаментоз тарқалиши | $25,8 \pm 7,9\%$ | 0 | 0 |
| Йиринг тулланишининг қалин девори | $38,7 \pm 8,7\%$ | $13 \pm 7,0\%$ | 0 |

НС билан касалланган беморларнинг 78±5,9% ҳолатларида патологик жараён умуртқа бел соҳасида жойлашган, барча НС билан касалланган беморларда зарарланган умуртқа таналари орасидаги диск патологик жараёнга ўтган, 78,3±8,6% беморларда эса деструкция ўчоғининг чегараси аниқ ёки склерозга учраган бўлиб аниқланган.

ДС билан касалланган 58,7±6,2% беморларда умуртқа бел соҳаси зарарланиши кайд этилган, 33,3±9,6% беморларда умуртқа таналарининг коллапси кайд этилган, учоқли жараён кайд этилмаган.

Диссертациянинг «Сил спондилити билан касалланган беморларда остеопорознинг ривожланиш сабабларини баҳолаш натижалари» деб номланган тўртинчи боби сил спондилити билан касалланган беморлардаги остеопорознинг ривожланиш сабабларини аниқлашга бағишланган.

2-жадвал

Умуртқа поғонаси бел соҳасининг минерал зичлиги кўрсаткичлари

| | СС | ТС | ДС |
|-------------------|---------------|----------------|--------------|
| 55 ёшдан катта | | | |
| T-score | -1,9±0,72 | -2,7±2 | -2,1±2,5 |
| Z-score | -0,14±2,1 | -1,9±0,7 | -0,3±2,8 |
| 55 ёшдан кичик | | | |
| T-score | -1,7±1,4 | -1,2±1,4 | -1,5±1,6 |
| Z-score | -1,3± 1,3 | -1±1,4 | -1,4±1,7 |
| Беморларнинг сони | 10(32,3±8,4%) | 12(52,2±10,4%) | 12(50±10,2%) |

СС билан касалланган 55 ёшга етмаган беморларда остеопения ҳолати аниқланган, бунда T-score -1,7±1,4 га тенг бўлиб, максимал СТМЗ нинг 82,4±14,7% ига тенг ҳисобланади, Z-score кўрсаткичи -1,3±1,3 га тенг бўлган, яъни текширилган беморлар соғлом тенгдошларининг ўртача СТМЗ ининг 85% ига тенг ҳисобланади. 55 ёшдан ўтган СС билан касалланган беморларда ҳам остеопения ҳолати аниқланган, T-score кўрсаткичи -1,9±0,72 га тенг бўлган ва максимал СТМЗ ининг 79,8±5,9% ига тенг бўлган, Z-score кўрсаткичи -0,14±2,1 га тенг бўлиб, текширилган беморлар соғлом тенгдошлари ўртача СТМЗнинг 102,6% ига тенг бўлган. 55 ёшга етмаган НС билан касалланган беморларда T-score кўрсаткичи -1,2±1,4 ёки максимал СТМЗнинг 88±13,6% ини ташкил этади, шунингдек Z-score кўрсаткичи -1±1,4 ёки текширилган беморлар тенгдошларини ўртача СТМЗсининг 90±14,3% ини ташкил этади ва остеопения деб ҳисобланади. 55 ёшдан юқори НС билан касалланган беморларда остеопороз ҳолати аниқланган, уларда T-score кўрсаткичи -2,7±2 ёки максимал СТМЗнинг 72,3±20,5% ини ташкил этган, шунингдек Z-score кўрсаткичи -1,9±0,7 ёки текширилган беморлар тенгдошларини ўртача СТМЗсининг 78,9±11,8% ини ташкил этди. СС беморларда остеопороз ривожланиши омилларининг таҳлили касалликнинг давомийлиги ва СТМЗ $r=-0,5$ ўртасидаги тескари корреляцион алоқани кўрсатди; СТМЗ ва Нв (қон йўқотилиши кузатилмаган ҳолатида меъёрий озикланиши кўрсаткичи) ўртасидаги корреляцион алоқа $r=0,3$ ни ташкил этди; СТМЗ ва яллигланиш ўткирлиги (ЭЧТ) орасидаги корреляцион алоқа $r=0,3$ ни ташкил этди. Яъни СС беморларда остеопороз даражаси 25% и

касалликнинг давомийлигига сабаб бўлади, яллигланиш кечишининг ўткирлиги ва озикланиш даражаси биргаликда остеопороз даражасининг 9% ига сабаб булади. НС беморларда остеопороз ривожланиш омилларининг таҳлили СТМЗ ва Нв орасидаги энг катта корреляцион алоқа $r=0,5$ ни, шунингдек СТМЗ ва ЭЧТ орасида $r=0,4$ ни ва энг кам алоқа СТМЗ ва касаллик давомийлиги орасида $r=0,04$ ни кўрсатди, яъни НС билан касалланган беморларда остеопороз даражаси 45% яллигланиш даражаси билан боғлиқ бўлган (2-жадвал).

ДС билан касалланган 55 ёшга етмаган беморларда остеопения ҳолати кузатилган, T-score кўрсаткичи $-1,5\pm 1,6$ бўлиб максимал СТМЗнинг $84,7\pm 16,4\%$ ини ташкил этган, шунингдек Z-score кўрсаткичи $-1,4\pm 1,7$ ёки текширилган бемор тенгдошлари ўртача СТМЗнинг $85,6\pm 17\%$ ини ташкил этган. ДС билан касалланган 55 ёшдан юқори беморларда куйидаги кўрсаткичлар қайд этилди: T-score $=-2,1\pm 2,5$ ёки юқори СТМЗнинг $81,5\pm 30,1\%$, шунингдек Z-score $=-0,3\pm 2,8$ ёки текширилган беморлар тенгдошлари ўртача СТМЗнинг $98,8\pm 39,5\%$ ини ташкил этди ва бу остеопенияга тенг. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу гуруҳнинг денситометрия ўтказилган 3 ($12,5\pm 6,8\%$) нафар беморида идиопатик остеопороз, 6 ($25\pm 8,8\%$) нафар беморда аутоиммун спондилоартрит каби остеопорозга олиб келувчи хамроҳ касалликлар аниқланди ва СТМЗ билан касаллик давомийлиги тескари корреляцион алоқа $r=-0,4$ ни этганини кўрсатган.

3-жадвал

Суяк тўқималари метаболизмнинг кўрсаткичлари

| | Ёш | P1NP N<58,59 нг/мл | β -CrossLaps N<0,3 нг/мл | Деструкцияси |
|----------|---------|-----------------------|-----------------------------------|--------------------|
| ТС, n=31 | >55 лет | 72,6 \pm 21,9 | 1 \pm 0,3 | 14(45,2 \pm 8,9) |
| | <55 лет | 99,6 \pm 95,6 | 0,75 \pm 0,4 | 14(45,2 \pm 8,9) |
| НС, n=23 | >55 лет | 37,4 \pm 19,4 | 0,559 \pm 0,29 | 3(13 \pm 7,0) |
| | <55 лет | 35,4 \pm 13,3 | 0,796 \pm 0,37 | 5(21,7 \pm 8,6) |
| ДС, n=24 | >55 лет | 38,5 \pm 14,5 | 0,614 \pm 0,4 | 0 |
| | <55 лет | 47,1 \pm 12,8 | 0,488 \pm 0,2 | 2(8,3 \pm 5,6) |

СС билан касалланган 55 ёшдан катта беморларда P1NP миқдори 72,6 \pm 21,9 нг/мл ни, 55 ёшдан кичик беморларда эса P1NP миқдори 99,6 \pm 95,6 нг/мл ни ташкил этди. Яъни, 55 ёшдан катта беморларда суяк тўқималарининг шаклланиш тезлиги 55 ёшдан кичик беморларга нисбатан ўртача 46 \pm 6,5% га кам. 55 ёшгача бўлган СС билан касалланган беморларда β -CrossLaps миқдори 0,75 \pm 0,4 нг/мл га, 55 ёшдан катта беморларда эса 1 \pm 0,3 нг/мл ни ташкил этди. СС билан касалланган беморларда бошқа лаборатория кўрсаткичлари билан ўзаро алоқа таҳлил қилинганда 55 ёшдан кичик беморларда ЭЧТ ва β -CrossLaps ўртасидаги корреляцион алоқа $r=0,6$ га тенг бўлди; 55 ёшдан юқори беморлар гуруҳида бундай алоқа қайд этилмади (3-жадвал).

НС билан касалланган 55 ёшдан катта беморларда P1NP миқдори 37,4 \pm 19,4 нг/мл ни ташкил этган бўлса, 55 ёшдан кичик беморларда эса -35,4 \pm 13,3 нг/мл ни ташкил этди. НС билан касалланган 55 ёшдан катта беморларда β -CrossLaps

микдори $0,559 \pm 0,29$ нг/мл ни, 55 ёшдан кичик беморларда эса - $0,796 \pm 0,37$ нг/мл ни ташкил этди. НС билан касалланганлар гуруҳида 55 ёшдан катта беморларда β -CrossLaps ва ЭЧТ ўртасидаги ижобий корреляцион алоқа $r=0,45$ ни, 55 ёшдан кичик беморларда $r=0,27$ ни кўрсатди. Яъни НС билан касалланган 55 ёшдан катта беморларда умумий суяк резорбцияси 55 ёшдан кичик беморларга нисбатан 30% га кўпроқ ошди.

